




# ТОШКЕНТ



# ОҚШОМ

ШАҲАР  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЁСИЙ  
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 142 (9.486) 2000 йил 1 декабрь, жума Сотувда эркин нархда

## АСОССИЗ ШОВ-ШУВЛАРДАН КИМ МАНФААТДОР?

Сир эмаски, сўнгги вақтларда турли халқаро анжуманларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон жойлашган минтақадаги хавфсизлик масаласи тобора кўп тилга олинмоқда. Бу асоссиз эмас, албатта. Минтақамизга хавф солаётган халқаро террорчилик, диний айирмачилик, нарқобизнес жаҳон миқёсидаги муаммолар сирасига қиради. Лекин хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида бу мавзуга, кўпроқ шов-шув кўтариш, одамлар кўнглига гул-гула солиш мақсадида керагидан ортик эътибор берилиб, ҳақиқатдан йироқ хабарлар пайдо бўляпти.

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Президентнинг матбуот котиби Р. Жумаев иштирокида ўтказилган матбуот анжумани маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари минтақамизда юзага келган вазият билан яқиндан таништириш ҳамда бундай ўйдирмаларнинг олдини олиб, жамоатчиликка тўғри ахборот етказиш масалаларига бағишланди.

Таъкидланганидек, айрим хорижий мамлакатлардаги юқори мартабали ҳарбийлар, сийбасчилар тилидан минтақамиз «хатта хавф» остида тургани бот-бот таъкидланмоқда. Улар «аниқ» рақамлару далилларни келтиришдан ҳам тоймаётди. Беш минг ёки ўн минг кишилик жангарилар гуруҳи ҳар дақиқада «МДХнинг жанубий сарҳадларига ҳужум қилишга шай» тургани, кенг қўламли даҳшатли уруш узоқ эмаслиги, минтақамизда аллақандай ижтимоий фалокат юзага келаётгани ҳақидаги хабарлар пайдо бўлаётгани – бор гап. Бу гаплар ортда жаҳон ҳамжамияти назаридега Ўрта Осиё ва Қозоғистонни оловли бўлмаса-да, ҳар ҳолда қайноқ нуктага айланганлиги истаги ётгани аён. Мақсад эса Президент Ислам Каримов кўп бор таъкидлаганидек, бу заминга кириб келаётган сармоани қайтариш, одамларда ҳуқуқматга, келажакка ишончини сувайтиришдан ўзга эмас. Турли шов-шувлар, айниқса МДХ ё бирор бошқа тўғилма доирасида минтақавий теъкор ҳаракат қўллари, ақсилтеррор маркази қабиларни тузиш масаласи кўтарилганда авж олоши ҳам юқоридега фикрни тасдиқлайди.

Атайин қилинаётган бу шов-шувларда ўзини «Ўзбекистон ислон ҳаракати» деб атовиҳи жиноятчи тўда ҳам тилга олинаётгани кишини ўйлантиради. Бир неча ой олдин АҚШ Давлат департаменти бу тўдани энг хавфли террорчи гуруҳлар рўйхатига киритган эди. Бу ҳаракат номининг тақрирланмавириши эса айрим гаразғўй доираларининг уни ўзига ҳос тарзда «қонунийлаштириш»га уринаётганини кўрсатади. Аслида ғаламис ва жиноятчилардан ташкил топган, аниқ мақсади, муайян ғояси бўлмаган тўда расман ҳуқуқий номини олиши минтақамиздаги демократик ўзгаришлар, иқтисодий янгиликларини кўра олмаётган кучлар манфаатигагина мосдир.

Анжуманда М. Раҳмонқулов хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган бир ўйдирмага алоҳида тўхтади. Маълумки, яқинда Ўмандоги Аден бандаргоҳида АҚШ ҳарбий-денгиз кучларига қарши «Қоул» кемаси портлатилган ва 17 нафар денгизчи ҳалок бўлган эди. Оқ ўй бу жиноятда халқаро террорчи Усама бин Ладдиннинг қўли бор, деб таҳмин қилмоқда. Шу боис унинг Афғонистондаги қароргоҳларини бомбардирон қилмоқчи. Бу эса минтақамиз мамлакатлари хаво кенгликларидан фойдаланиш масаласини кўндаланг қўйди. Кўриниб турибдики, булар ҳаммаси – ҳозирча режа. Аввал, табиийки, минтақамиз мамлакатларининг розилигини олиш керак. Бор гап шу. Лекин хориждаги айрим нашрлар маъсулиясиз равишда гўёки минтақамиз давлатлари АҚШга розилик бергани ҳақида хабар эълон қилди ва унинг оқибатларини шарҳлай кетди. Вехоланки, хали ҳеч қандай маслаҳатлашув ҳам бўлгани йўқ. Шу муносабат билан, Миллий хавфсизлик кенгаши котиби Ўзбекистон шу вақтгача ҳужум мамлакат ҳарбийларига бошқа бир давлатга ҳужум қилиши учун ўз ҳудудидан фойдаланишга изн бермаганини ва бундан буюн ҳам бермаслигини қатъий таъкидлади. У мамлакатимиз ҳуқуқати хориж матбуотидаги айрим нотўғри хабарларни давлатлараро муносабатлар, хусусан, Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига раҳна солиш мақсадида ушатирилган фитна, деб билишини ҳам алоҳида қайд этди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган бошқа мавзулардаги саволларга ҳам батафсил жавоб қайтарилди. (ЎЗА).

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида

Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шароитларни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2001 йилда ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
2. Муборак ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилор рўйхатини республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғормаларининг жойлардаги бўлиналари вакиллари иштирокида кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузиш, мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш масъулияти Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакиллари зиммасида эканлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридеги Дин ишлари бўйича кўмита уларга ёрдам кўрсатиши эътиборга олинсин.
3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиокомпанияси (А. Рўзметов) 2001 йил февраль-март ойларига зиёратчиларнинг Ҳаж сафарига қўриб-қелишлари учун қулай шароитлар яратиш, Тошкент-Жидда-Тошкент йўналишидаги авиачиптолларнинг нархини арзонлаштириш чораларини кўрсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов), Давлат божхона кўмитаси (С. Арипов) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимида кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириши таъминласинлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф. Назиров) Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни кўриқдан ўтказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатиши ташкил этсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ҳамда зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.
7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (З. Мирхўжеев) Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1500 (бир ярим минг) АҚШ долларини имтиёз – воситачилик ҳақи олманган ҳолда алмаштириб бериши таъминласин.
8. Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.

Вазирлар  
Маҳкамасининг Раиси  
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
29 ноябрь 2000 йил.

## ДАВРА СУҲБАТИ

**КЕЧА**  
Республика Маънавият ва маърифат Кенгашида давлатимиз раҳбари асарлари асосида яратилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушуноча ва тамойиллар» рисоласини тарғиб қилишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.  
Суҳбатни Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг масъул котиби Аслиддин Болиев олиб борди.  
Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Езувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов, «Ўзбекино» Давлат акционерлик компаниясининг раиси Темур-малик Юнусов ва бошқалар рисолада баён этилган ғояларни мамлакатимиз ижодий ташкилотлари ёрдамида жамоатчилик ўрта-сида тарғиб этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини таъкидладилар.  
Республикадаги ҳар бир ижодий ташкилот ушбу асарнинг жамитининг барча қатламлари учун тушунарли бўлиши ва одамларнинг қалбига кириб бориши йўлида савий-ҳаракатлар қилиши керак.  
Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Аҳмадхон Мелибов сўзга чиқди. (Ўз мухбиримиз).



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Кобул-Ўзбек К» кўша корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар сифати билан харидорларни мамнун этмоқда.  
СУРАТДА: кўша корхонанинг илгор иччиси Зулхумор Юсупова. Сергей Любич олган сурат.

### 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун

## ЯГОНА ОИЛАДА

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллатларнинг миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар уларнинг тенг ҳуқуқларини кафолатлаган. Турли миллат ва элатга мансуб кишиларнинг маданияти, урф-одатлари, анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳаётимиз меърига айланган.

Биз, барча Ўзбекистонликлар ўз тақдиримизни ана шу саховатли замин билан боғлаганмиз, — дейди «Батъқўш» украин маданият марказининг раиси С. Мансуров-Ковригено. — Чунки Ўзбекистон турли миллатдаги миллионлаб кишиларнинг қадрон уйига айланган. Мен аминманки, Ўзбекистонда нафақат бизнинг фарзандларимиз ва невараларимиз, балки эвара ва чевараларимиз ҳам янаша бахтига муяссар бўладилар.  
Дарҳақиқат, ана шу гапларда бир олам маъно бор. Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллатта мансуб кишилар келажакги буюк бўлган давлатни бунёд этишда қатнашмоқдалар. Республикаимиз, унинг пой-

тахтида фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказларида амалга оширилаётган бири-биридан ранг-баранг тадбирлар эса барчага манзур бўлмоқда. Шу йилнинг ўзида поляк, немис, корей, украин ва бошқа миллий маданият марказлар иштирокида ўтказилган концертлар, адабий кечалар ва байрамлар барчага манзур бўлди. Бу борда «Батъқўш» украин маданият марказининг олиб бораётган ишлари ҳам ибратлидир. Шу ўринда ушбу маданият марказ раисининг жорий йилда Киевда бўлганлиги ва украинларнинг халқаро мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлисида иштирок этганлигини ҳам таъкидлаш керак. Бу ерда ушбу маданият марказ раиси Ўзбекистонда украинлар, шунингдек бошқа миллат вакиллари қандай яшаётганликлари тўғрисида мауроқ билан ҳикоя қилиб берди.

Юқоридеги таъкидлаб ўтилган далилларнинг ўзи ҳам Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатта мансуб кишиларнинг Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кафолатлаб берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда, эмин-эркин яшаб, ҳаёт гаштини сураётганлигидан, уларнинг ягона оилага бирлашганлигидан яққол далолат бериб турибди. (Ўз мухбиримиз).

### Шаҳар ҳўжалиги мавзусида

## ҚАРЗИНГИЗНИ НЕГА ТўЛАМАЙСИЗ?

«Тошкент оқшоми» газетаси ўз саҳифаларида бир неча бор Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ҳисобига эҳтисобининг тўламаётган мавжуд қарзлари тўғрисидаги масалани кўтарган эди.  
Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, газетада кўтарилаётган бу масала долзарб масаладир. Лекин, таассуфлар бўлсинки, бу гап ҳам яна биз қарзини тўламаётганлар тўғрисида фикр юритмоқчимиз. Чунки баъзи ҳамшаҳарларимизнинг қарзлари ҳақдан ташқари кўп бўлишига қарамай бу нарса уларни заррача бўлса-да ташвишга солмайпти.  
Ҳамза туманидаги Ғалабанинг 40 йиллиги даҳасида истиқомат қилувчи аҳоли орасида ҳам бу борда «рекорд» натижага

эришяётганлар бор. Жумладан М. Йўлдошева 116 минг 791 сўм, Б. Сапаева 112 минг 730 сўм қарз бўлиб қолган. К. Каримованин қарзи эса 121 минг 885 сўмни, М. Бўронованин қарзи 129 минг 500 сўмни ташкил этади. В. Бураков, А. Турлибоев, Д. Шокирова, Г. Солиқова, Б. Кимлар улардан озгина «ортда» қолишди. Бу ҳамшаҳарларимизнинг қарзи 100 минг сўмлик маррадан аллақачон ўтган. У. Салибекова ҳисобидега қарздан воқиф бўлсангиз ҳатто чўчиб ҳам кетасиз. Унинг қарзи 167 минг 520 сўмни ташкил этибди.

Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи аҳолининг қарзлари бешта рақамга жо бўлган бўлса-да, барибир қарз қарзидиқча қолмоқда. Юсуповнинг қарзи 60830 сўмни, Диевнинг қарзи 88877 сўмни, Муқимбоевнинг қарзи 81634 сўмни, Г. Қосимованин қарзи 97180 сўмни, Г. Солиқованин қарзи 64850 сўмни ташкил этади.  
Ушбу рўйхатни юнусободлик Н. Носирхўжаева ўз гарданидаги 106 минг 6 сўм, Мардонов 110 минг 375 сўм, Грачев, Мавлудова, Ҳикматуллаевларнинг ҳар бири эса 50 минг сўмдан зиёд қарзлари билан тўлди-

ришмоқда. Ҳаммаси бўлиб юнусободликлар Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига икки миллион сўмдан зиёд пулни тўламаганлар.  
Ушбу ноҳуш рўйхатдаги қарвонбошлиқни Миробод туманида истиқомат қилувчи Г. Шапошников эътилоб турибди. Унинг гарданидаги 173 минг 606 сўмлик қарзини шарҳлашнинг ҳолати ҳам бўлмаса керак.  
Юқоридеги келтириб ўтилган рақамлар ва аҳолининг фамилиялари саралаб олинган, ҳоло. Бундай ашадий қарздорлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бироқ, биз шу ўринда уларга ўзларининг фуқаролик бурчларини яна бир бор эътилоб ўтмоқчимиз.  
Марҳамат, қарзингизни ўз вақтида тўлаб қўйинг, ҳамшаҳарлар! (Ўз мухбиримиз).

Мулоҳаза  
КИТОБ — БИР ЧАШМА

Яқинда иккита ўспирин йигитчанинг китоб ҳақидаги гап-сўзларини эшитиб қолдим.  
— Мен қачон охири марта китоб ўқиганимни эслай олмаман, — деди биринчи ўспирин.  
— Ўқийдиган китобнинг ўзи йўқда, — деб қолди шериги.

Хайрон бўлиб қолдим. Ахир китобсиз, китоб ўқимасдан яшаб бўладими? Масалан, мен китобсиз ҳаётимни тасаввур эта олмаман. Бўлмаса ишларим жуда кўп. Лекин китоб ўқишга вақт топа олмаман. «Уткан кунлар», «Икки эшик ораси», «Фарғона тонг отгуна», «Олтин зангламас», «Одам бўлиш қийин». Бундай дурдона китобларимизни санайверсак адоғи кўринмайди. Ҳамма — катта ҳам, кичик ҳам севиб томоша қилган видеофильм — «Шайтанат», «Мурдалар гапирмайди» каби асли маънавийатимиз ва ўзликларимиздан сабоқ берувчи китобларни ўқимаслик мумкинми? Ахир ёшлигимизда эшитган эртас, достонлар қахрамонлари билан бирга юртдадек ҳис қилардиқку ўзимизни, йилгаси бирга йиллардик, кўпсалар баравар қувонардиқку. Алломшшу Барчинои, Гурӯғио Авазбекларни унутиб бўладими?

Менимча, хозирги ёшларга кўпроқ ота-оналар оилада китоб мутолаа қилишни ўргатишлари зарур. Ахир фарзандларимиз қанча кўп китоб ўқишса, шунча кўп ҳаётни ўрганишади. Оилада, кўчада, жамоат жойларида ўзини тутатиши, Ватанини севиши, ҳаётада унрайдиган қийинчиликлар олдида довидар қолмаслигини ўрганишади. Мен бирор янги китобни ўқисам, маъқул бўлса ишондаги қизларга, қариндошларга, буй етган қизларга бор қўшилишга уқушига берман. Яқиндагина чоп этилган Турсуной Содикованинг «Хазрати аёл» китобининг кўлима-кўли бўлиб кетганининг боси нимада? Эртага ўзга хонадонга қилин бўлиб борадиган қизларимизга жуда катта тўқна бўлади. Уни ўқиган ҳар бир аёл ёки қиз жуда кўп ҳаётнинг сабоқлардан баҳраманд бўлади, ишонманки, бу сабоқлар ҳар биримизга асосатди.

Муштақилликка эришган, олдинга дадил одимлаётган, келажакга буюқ Ўзбекистондек юртнинг фарзанди илми, маърифати, ҳар бир ишда ақл билан иш юрети оладиган, соғлом ва бақувват бўлмоғи керак. Бунинг учун сиз ўқинингиз ва яна ўқинингиз керак. Китоб бу бир чашмаки сипқорган сарингиз чанқонингиз ортаверадиди.

Шоира МУХАМЕДОВА.

ЮРАК, БАЛИҚ  
ВА САҚИЧ

Юрак хасталиғи ва балиқ, Дарҳақиқат қизиқ. Гренландияда яшовчи эскимослар юрак хасталиғи нима эканлигини билишмайди. Гап шундаки, эскимослар жуда кўп миқдорда балиқ истеъмол қилишар экан. Маълум бўлишича, балиқ тарки-

Бу — қизиқ!

бидаги ёғ кислотаси ва бошқа моддалар юрак хасталиғининг олдини олибгина қолмай, ҳатто уни даволаш ҳам мумкин экан. Бу моддалар ҳусусан, рақ хасталиғига ҳам қаршиликни ошириб, одамни соғлом тутиб юраркан.

Оқ сақич фойдалими?

Ҳа, фойдаси бор экан. Американик тиш табибларининг қафолат беришларича, 20 дақиқа давомида оқ сақич чайнаш ташини яхшилаб тозалаш билан баробар экан. Бундан ташқари сўлак безлари ажратиб чиқарган суюқлик кислота кўпайишига йўл қўймайди, шунингдек, тиш чиршининг олдини олади.

Мухаббат  
ҲАБИБУЛЛАЕВА  
тайёрлади.

Маданият янгиллиги

МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида «И. С. Бағча тўқна» деб номланган музика фестивали ўз мухлисларини севиштирмақда.

6 декабрдан давом этадиган бу фестивал улуғ немис композитори И. С. Бах таваллудининг 250 йиллиги муносабати билан ўтказилмоқда. И. С. Бах ўз даврида илгор гуманистик гояларни ижодда ифода-ловчи, буюқ немис композитори сифатида танилган. Унинг ижодига маънавий кадрларга болганган мавзулар ўрин олган. Бугунги кунда бизнинг музика санъатимизда ҳам шундай йўлни булиши биз учун, қолаверса ёш авлодлар учун катта ютуқдир.

дорлари доцент Элмира Мирқосимова, Сайёра Фофурова, Республика пианиночилар танлови совиридорлари доцент Марат Гумаров, Марина Султонова, Елена Железина, доцент Илгиз Рояновлар билан бир қаторда консерватория талаба-ёшлари, шунингдек Успенский номидаги республика ўрта махсус музика мактаб-интернати ўқувчиларидир.

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Гёте институти ҳамийлигида ўтказилаётган ушбу фестивал бугунги кунда ўзбекистонлик музикачилар жаҳон сахнасида турли ўзга халқлар музикачилари билан бемалол беллаша олиши имкониятини яратиб бериши шубҳасиздир.

Садбархон ЖУРАЕВА.



СУРАТЛАРДА: Ҳофиз Кўхакий маҳалласидаги тадбирдан мухлислари. Даврон Аҳмедов олган суратлар.

БИРИНЧИ БЕПУЛ  
ИНТЕРНЕТ МАРКАЗИ

Республика Байналмилал маданият марказида Тошкентда биринчи бепул интернет тизимидан фойдаланиш маркази очилди.

Интернет тизимининг очилиш маросимида сўзга чиққан АКШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Херст XXI аср шубҳасиз ахборот ва билим асри бўлишини таъкидлади. Бу эса жаҳон ахборот банкни ташкил этувчи интернет тизимига қизиқини оширади, деди элчи. Ешларимизнинг бу борадаги имкониятларини кенгайтириши зарур. Уларнинг билимларини оширишнинг қўмақлашимиз лозим. Шу маънода Айрекс томонидан Тошкентда биринчи бепул интернет тизимидан фойдаланиш марказини очилишини қўлаш ва қўллаш керак.

Марказ Американик халқаро илмий-тадқиқот кенгаши (Айрекс) томонидан очилди. Айрексга бу борада АКШ давлат департаменти ва Очик жамият институти директори Аллен Делетроти ақиддан ёрдам берди. «Интернетга чиқиш ва ундан фойдаланиш дастурига асосан Очик жамият



ДАМ ОЛИШ  
ОҚШОМИДА

«Фамхўрлик иймондангир» дейилади Халиси Шарифла. Айниқса бир оғиз ширин сўзга мухтож, жисмонан заиф инсонга мадад қилини чўзиши, саховат қўрсатиш энг улугъ савоб ишлардан саналади. Мустақиллик шарофати туфайли ана шундай савоб ишни ўз зиммасига олиб пойтахтимизда истикомат қилаётган ногиронларнинг ўқиши, ишлари, касб ўрганишига, бир сўз билан айтганда ҳаётада ўз ўрнига эга бўлишига катта ёрдам қўрсатётган Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг фаолияти билан танишиш мақсадида мазкур жамият раиси Ҳабибуллоев билан мулоқотда бўлди.

— Жамиятимизнинг ногиронлар ҳаётида тугган ўрни алоҳида аҳамиятта эга десам Юнусовода қад қўраётган асло мулобага қилмайман. Чунки шу кунгача пойтахтимизнинг 8 та туманида жамиятимиз бўлимидаги ногиронлар билан бевосита иш олиб бормоқда, мададга муҳ-

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куну

тож бу инсонларни иш билан таъминлаш, ўқитиш, касб ўрганишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шу ўринда бир ланни очик айтмай. Ногиронга ёрдам беришининг ўзи бўлмайди. Шу боис ҳам биз асосан ишлаб чиқариш корхоналарига ҳатлар билан ёрдам сўраб муножат қиламиз. Шукрки, саховатпеша ташкилотлар пойтахтимизда кўп. Уларнинг мадади ва ногиронларга ажратган моддий маблағ албатта ўз эгасига тегади. Лекин халқимизда «Қўлдан берганга қўш тўйма» деган қикматли ибора бор. Шу боис биз кейинги йилларда ногиронлар меҳнат қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил эттишни мўлжаллаб турибмиз. Яъни ногиронлар учун Республикада ягона бўладиган «Ўзу ишлаб чиқариш ва даволаш» марказининг қурилаётганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Агар шу марказ битказилиб фойдаланишга топиришса қанчадан-қанча ногиронлар ҳам иш билан таъминланган,

ча сарф-харажатларни ҳар сафаридек Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўз зиммасига олган. Яна бир режамиз ҳақида шундай дейишим мумкинки, насиб этса яқин йиллар ичида хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз, яъни хорижликлар билан биргаликда ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхона очмоқчимиз. Хуллас шундай қўллу ва муборак кунларда — моҳи Рамазон кунларида қалби пок, нияти тоза ногиронларга ҳам қанча қўмақ берсак, саховат қўрсатсак оз, Чунки Халиси Шарифла ҳам айттиладики, «Аллоҳ толоо ногиронларни ўзгалар ўзлигини англаши учун яратди». Дарвоқе, ҳар йили халқаро миқёсда ишонланган ногиронлар куну — 3 декабрь юртимизда ҳам нишонланади. Фурсатдан фойдаланиб қалби эзгулик билан йўрилган, ширин каломга ташна инсонларга сўхат-саломатлик, бардамлик тилайман.

Ҳилола САЛОВЕВА, Акбар ЙЎЛДОШЕВ сўхбатлашди.

2 декабрь — шанба (Ойнинг 7/8 куну). Кун анча мураккаб бўлиб, адашишлар ва алданшишлар осон. Ушбу кеча-кундузги Ой таъсири инсон учун гоят салбий бўлади. Яқини — кунни осойишта ўтказиб, уни ишга тўқилганига бағишланг. Эҳтиросларга жилво берманг. Ноҳуш хабар олишингиз мумкин. Кўзгуда ўзингизни томоша қилманг. Бирон муҳим иш юзасидан бир қарорга келсангиз — унинг ҳато бўлиб чиқиши эҳтимоли кўпроқ.

3 декабрь — яқшанба (Ойнинг 8/9 куну). Мазкур кеча-кундузда Ой сайраси таъсири салбий бўлади. Кун буйи сизни ёмон хабарлар, қўрқув, қандайдир хиссиётлар қийнаши мумкин. Тушқунликка берилмасликка ҳаракат қилинг. Зеро, улар ўтиб кетади. Хотиражам, бир турдаги меҳнат билан машғул бўлинг. Қатъий хатти-ҳаракатларга йўл қўйманг.

4 декабрь — душанба (Ойнинг 9/10 куну). Турли алдовларга учни хавфи бўлиб, бундан кейин қаттиқ пушаймон бўлишингиз мумкин. Шу кун одам таъсирларга берилувчан бўлади. Шунинг учун имкон қадар яқин таниш бўлмаган одамлар билан мулоқотдан қочинг. Кўпчиликда бир намушта қилиб қолиш иштиқи туғлади — лекин бу ҳам яқинликка олиб бормайди. Босиқ-вазмин бўлишга ҳаракат қилинг — бу сизни ноҳуш саргузаштлардан сақлаб қолади.

5 декабрь — сешанба (Ойнинг 10/11 куну). Мазкур кеча-кундузда Ой сайрасининг таъсири гоят кучли бўлади. Демак, эҳтиёт бўлганингиз маъқул. Бу кунни дангасалик билан ўтказиш мумкин эмас. Лекин жиддий ишларга қўл уришни ҳам ўйланган. Ҳар қандай ишда хотиржам ва босиқ бўлинг. Ҳаётингизга гомхўрлик намоён қилишингиз фойдадан ҳоли бўлмайди.

6 декабрь — chorshanba (Ойнинг 11/12 куну). Шу кеча-кундузда меҳр-шафқат ва муруват қўрсатиш фойдали. Агар шундай қилмасангиз, бошингизга ташвиш тушганда ёлғиз қолишигизга тўри келади — ҳеч ким ёрдам бермайди. Ой сайрасининг бугунги таъсири одамларни ўз яқинларига яқинлик қилишга ундайди. Кимдир ҳафа қилиш, жаҳлини чқариш, бировга нафрат билан қараш мумкин эмас. Бугун кўп давомида босиқ-вазмин ва хотиржам бўлишга ҳаракат қилинг.

7 декабрь — пайшанба (Ойнинг 12/13 куну). Туйғуларни ривожлантириш ва сирли олам билан боғлиқ турли хил билимларни олиш учун бу кун қўлай келади. Умуман олганда, куннинг ахборот-энергетика тарихи табиат ва инсон билан ҳамоҳанг бўлади. Бинобарин, кун осойишта ўтади. Лекин уни холироқ шароитда ўтказганингиз маъқул.

8 декабрь — жума (Ойнинг 13/14 куну). Бу кун ҳар қандай ташаббуслар, муҳим ишлар учун муваффақият қилинади. Ҳаётингиз ҳам туншунмаган ҳолда юрагингиз сиқилиши, хавотирлик фикрингизни чулғаштириши мумкин. Уларни миангиздан қувинг, ақ ҳолда бу ўй-хаёллар сизни узок вақт таъқиб этиши мумкин. Агар хаёлларингиздан қутула олмасангиз — бирон оғир жисмоний иш билан машғул бўлинг — ҳаммаси ёдингиздан чиқиб кетади.

9 декабрь — шанба (Ойнинг 14/15 куну). Тери касалликларини даволаш, косметик муножажатларни қабул қилиш, игна санчиш билан боғлиқ даво усулларидан фойдаланиш самарали бўлади. Овқат ҳазм қилиш тизимингиз заифлашади. Аллергик реакциялар, ошқозон оғриқлари кучайиши эҳтимоли бор. Парҳезни қаттиқ ушланг. Кимёвий дориларни илжо борица истеъмол қилманг.

10 декабрь — яқшанба (Ойнинг 15/16 куну). Тушларингиз ҳазин бўлиши мумкин, лекин улар ҳеч қандай ахборот келтирмайди.

1 декабрь — Жаҳон ОИТС (СПИД)га қарши курашиш куну

Бугунги кунда дунё бўйича кенг тарқалиб бораётган ОИТС (СПИД) касаллигининг инсон ҳаёти учун нақадар хавфли эканлиги кўпчиликка маълум. Хозирда ҳаёт қушандаласига айланган бу касаллик билан оғирланган сонни дунё бўйича 50 миллиондан ошиб кетган. Шу боис ушбу касалликнинг қелиб чиқиши, унинг олдини олиш ва шахримизда бу касалликка қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳусусида Тошкент шаҳар ОИТС марказининг бош врачлари Собир Усмонов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— ОИТС: эркакларга кўп нарса боғлиқ» шiori остида «Эркаклар

САЛОМАТЛИГИМИЗ  
ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

ОИТС эпидемияси юзини тескари қилиб, балонинг олдини олишлари мумкин», — дейилади ЮНАЙД-Снинг янги маълумотномасида. Нью-Дели, 2000 йил 6 март — эркаклар ОИТС эпидемияси тарқалишига таъсир қўрсатиб, бу балонинг олдини олишлари мумкин, дейилмоқда. 2000 йилда ОИТСга қарши курашиш умумжаҳон кампанияси бошланishi муносабати билан ОИТВ — ОИТС бўйича БМТнинг берилашган дастури томонидан тарқатилган маълумотномда. Ушбу кампания эпидемияга қарши кўрилатилган чора-тадбирлар эркаклар яна ҳам кенгроқ миқёсда иштирок этишлари таъминлашини, шунингдек, уларнинг ўз мамлакатларида ОИТСга қарши кўрилатилган барча ҳаракатларидаги ролини оширишга гоятда зарур янгича қўғайрат сарфлашларига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Эркаклар бир қатор омилларнинг таъсири туфайли ОИТВ юқши хавфига кўпроқ дучор бўлиб турадилар. Иш ахтариб ўзга юртларга кўчиб юришга ва ўз оиласидан узокда яшаш мажбур бўлганлар, спиртли ичимликлар, гивнавод моддалар истеъмол қилган қишларда бу касаллик қайд қилинмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда ҳар дақиқада 11 киши ОИТСга қучинмоқда ва шунлардан 60 фоизини ёшлар ташкил этаётир. Ушбу касаллик билан оғирланган

касаликнинг олдини олувчи ягона восита — халқимизга ушбу хавфли касаллик ҳақида маълумот бериши, шу муаммага нисбатан тушуңчасини орттириши, ўзини-ўзи химоя қилишга ўргатиши. Бу касаллик 1987-97 йилларда шахримизда 27 та одамда борлиги аниқланган. Шунлардан 20 киши чет эл фуқаролари эди. 1999 йилда эса 10 та ОИТВ вируси билан касалланган беморлар аниқланган. Шунлардан 8 таси гивнавлар, 7 таси қамолдаги қишлар эди. Хозирги кунда эса бу касаллик билан 40 киши рўйқатга олинган. Бу ўтган йилга нисбатан тўрт баравар кўп демақдир. Бу касаллик билан оғирланганнинг 80 фоизи эркаклар, 20 фоизи аёлларда аниқланган.

Ҳозир бу касалликнинг олдини олиш учун ОИТС марказида ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Олий ўқув юртлари, коллеж, академик лицейларнинг барчасида, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида сўхбатлар, тадбирлар, театрлаштирилган чиқишлар ўтказилмоқда.

Саломатлик — туман бойлик, дейишан донишмандларимиз. Бу гапда катта маъно бор. Бойлигимиз бўлган саломатлигимизни сақлаш ўз қўлимизда. Халқимизнинг соғлиги — юртимизнинг ҳам бойлиги. Халқимиз соғ бўлса, жамиятимиз ҳам соғлом, келажакимиз ҳам фаровон бўлади, албатта.

Ҳулором ҲАМИДОВА эзиб олди.


Шабдан шабагача: мунажжим таъсиялари  
ҲАФТАНГИВ  
ХАЙРЛИ КЕЛСИН



Шаҳримизга шундай гўзал бинолар ярашади.



Тасвирий санъат - гўзаллик хазинаси. Мусаввирнинг мўйкалами гўё сеҳрлар, у эзгулик бунёдкори. Ана шундай сеҳрли мўйкалам устаси, фақат юрт ишида илҳомланиб, ижод қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таникли мўйкалам соҳиби Ортикали Қозоқовнинг мафтункор ва жозибали асарлари нафақат республикамизда, балки хориқ давлатларида ҳам маълум ва машҳурдир.



Санъатнинг сеҳрли олами

## ЮРТ ИШҚИДАН ИЛҲОМЛАНИБ

— Наврўз — менинг ижодимда ёрқин юлдуз, илҳом манбаи, — дейди рассом, — баҳор ва Наврўз асарларида кўпроқ турфа ранглар жилосида мужассамлашган. Мен рангларни табиатдан, баҳордан оламан.

Ха, ҳақиқатан Ортикали «Наврўз нафаси», «Уйғониш», «Наврўз садолари», «Янги кун» сингари асарларида бўёқларни узро нақшга айлантириб, манзара ичида манзара пайдо қила олган.

Улуғ мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий ҳам ўз газалларида мусаввирларга қарата шундай ёзган эканлар:

*Эй мусаввир, дилбаримга сурати манаю қил. Қўрмақидин хотирини гаҳ-гаҳи хурсанд қил.*

Ижодкор кишиларнинг илҳом булоғи қайнаганда қалбининг туб-тубида яширинган энг гўзал туйғулар, янги-янги гоёлар тугилиши табиий. Ортикали ижодида ҳам янги гоёлар, бетакор ранглар қуюлиб келади. У она табиатдаги юзлаб рангларни топа олади. Уларнинг ҳар бирини ўз ўрнида моҳирлик билан фойдаланади. Шунинг учун ҳам унинг асарларида миллийлик, она Ватанга, табиатга, инсонларга бўлган меҳр-муҳаббат аққол намён бўлиб туради. Портретларидаги баҳорий тиниқ ва алвон ранглар киши дикқатини тортмай қўймайди.

Рассомнинг «Лайли ва Мажнун», «Шоҳимардонда куз», «Сукунат» сингари асарлари ҳам чўқур маъно ва мазмунга эга-лиги билан ажралай туради.

Мана, Мустақиллик туйғули мамлакатимиздаги барча ижодкорлар қатори Ортикали Қозоқовнинг ҳам ижоди янада гуллаб-яшнади. Қатор кўргазмалари намойиш этилди. Қўллаб

муҳлислари эътиборини қозонди. Истиқлол илҳомлари янада жўш уриб, янги-янги асарлари, янги гоёлари пайдо бўлмоқда. Шу мақсадда

### БУГУН

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида таникли ва истеъдодли рассом Ортикали Қозоқовнинг «Истиқлол илҳомлари» деб номланган кўргазмасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Кўргазмага таъриф буюрадиган санъат шинавандлари мусаввир мўйкалами билан яратилган турли мавзудаги, ёрқин бўёқлардаги нафис асарлар билан қикдан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Олий Махлисининг Ешлар ишлари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорликда ташкил этган ушбу кўргазма 10 декабрча давом этади.



Дилором ИКРОМОВА.

**СУРАТЛАРДА:** Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таникли рассом Ортикали Қозоқов устaxonасида; мусаввир асарларида намуналар; рассомнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари маҳсули — у ҳақда чоп этилган рангли монографик альбом.

### Алломалар хазинасидан

## ТАФАККУР ГУЛШАНИ

• Ким ёмонлик уругини экса, пушаймонлик мевасини ўриб олади.

**Шайх САЪДИЙ.**

• Очофатлик бошга бало келтирур, Нафсини тийиш роҳат-даво келтирур.

**Абу Абдулло РУДАКИЙ.**

• Бодадин хирадур эс-хуш ва димоғ, Шуъласи сўнади, ўчади чироқ.

• Бода ҳар бир бошга кириб келган дам, Ақл ўндай бошдан узади қадам.

**Қамолддин БИНОЙ.**

• Донолар мастлик қилмас, Оқиллар шароб ичмас.

Узин билган ҳар киши Пастликка қадам қўймас.

**Абулмажид САНОИЙ.**

• Дейсан, бода дарду аламни олур, Асли иймон, соғлик, чидамни олур.

**Руқийддин АВҲАДИЙ.**

• Корнинг билан дўст бўлмасанг ахсандур, Неҳунки эр ўғлига корин душмандур.

**Алишер НАВОИЙ.**

• Қидирбой ТУЛАБОВЕВ тайёрлаган.

### Назм



## СУЛAIM BOFIDA...

Шарқда машғал гулистонда, Ажиб гўша гўзал боғда. Боғлар гўша таңҳо бўлиб, Элга дoston кўркaм боғдир. Кўкда юлдуз, коиноти, Сириш ошқор таҳлил этган. Мирзо Улуғбек шаънига,

Аталган бир сўлим боғдир. Соф ҳавоси дилга роҳат, Чорлар ҳар вақт ўз бағрига. Хуш келибсиз, дея ҳар дам, Бағрин очган мезбон боғдир. Гўша ичра гул, дарaxти, Дилга роҳат бера олган. Бошга соябон бўлишиб, Соя сола олган боғдир. Уйингоҳлар тишим билмай, Бўлар энинг хизматида. Яхши фазилат мужассам, Гулдор меҳрин эмган боғдир. Ҳар тадбирни моҳирона, Элга манзур этиб доим. Қадр-қиммат, эътиқоддан, Хурмат топган асил боғдир. Қўллаб улуг сиймоларни, Шод айлаб руҳларини. Анъаналар хўп тикланган. Эътиборли ривож боғдир. Гоҳ оромгоҳ узра давра, Сўхбат курса кексаю ёш. Сўлим гўша пурга тўлиб, Мағрифатга чашма боғдир. Жамоаси бир жон-тандир, Яхши хислат унда жамдир. Ривож тилаб ҳар вақт Рустам, Кўп оқибат кўрган боғдир.

Рустам ХУЖАЕВ.

### Бўш вақтингизда

## БОШҚОТИРМА

**Ей бўйича ўнганга:** 1. Марказий Осиёдаги энг биринчи, муқаддас китоб. 2. Хазинаотпар мутахассис. 3. Санoaтда синтетик каучук, бўёк олишда ишлатиладиган тез ёнувчи суоқ ашё. 4. Ўзбек шоири «Тошкент ироғи» ашуласининг газали муаллифи. 5. Давлат раъзаларидан бири. 6. Қадрдонлик, дўстлик туйғуси. 7. Чинни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ашё, утга чидамли чўзилувчан оқ лой. 8. Хоккей ўини ватани бўлган мамлакат. 9. Эртапишар, турлама қовун нави. 10. Бинонинг ойнаванд қисми. 11. Пуштовни зиравор сифатида ишлатиладиган жануб Усимлиги. 12. Америка китъасидаги «Ацтека» фут-

**МУАММОНАМА**  
Авалло куйида таърифланган рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ёнинг. Сунг шакл атрофи ва марказидаги рақамларни жавоблар асосида мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммонани ҳал этинг. Улардан ҳикматли сўз ва унинг муаллифи бўлган ижодкор номини билиб олaсиэ.

**Газетанинг 24 ноябрь сонидан чиққан бошқотирманг жавоблари:**  
Белгилаган хондан рақам атрофида соат мили бўйича: 1. Румий. 2. Қошиқ. 3. Шомий. 4. Жомий. 5. Чехов. 6. Чапек. 7. Айний. 8. Мунис. 9. Руссо. 10. Ойбек. 11. Купер. 12. Бруно. 13. Бобур.  
**Муаммонима**  
Очқич сўзлар: 1. Мотурдий. 2. Воҳидов. 3. Урдубодий. 4. Аллоний.  
Ҳикмат: Руҳни даволамай туриб танани даволаб бўлмайди.

## ДАМ ОЛИШ ОҚШОМИДА

## МЕҲНАТ БИЛАН ТОПГАН БОЙЛИГИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Ёнгин. Бу сўзни эшитган ҳар бир ақл-идроқи бўлган инсон сесканиб кетади. Чунки олов одамларнинг хонадонларига фақатгина иссиқлик, иссиқ овқат, файз олиб келмай, оловнинг иккинчи, яъни инсонлар уйларига фалокат ва гам олиб келадиган томони ҳам бор.

Статистика маълумотларига кўра ер юзиде ҳар сонияда 500-600 та ёнгинлар содир бўлиб, унинг оқибатида 15 дан 60 гача инсон ҳалок бўлади. Бу рақамлар устида бир уйлаб кўринг. Ахир бу рақамлар йилдан йилга кўтарилиб келмоқда, ҳар бир рақам орқасида эса кимнингдир ёнган хонадони ҳамда оловдан тан жароҳати олган ва энг ачинарлиси ёнган оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмган яқин инсония турибди. Ёнгинларнинг аксарияти фуқаролар турар жойларида содир бўлмоқда ва ушбу ёнгинларга ўзимиз айбдоримиз. Собир Раҳимов туманида 2000 йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида ҳамда 25 ноябрь кунига қадар 142 та ёнгин содир бўлиб, унинг оқибатида 1226712 сўмлик моддий зарар етказилди. Содир бўлган ёнгинлар натижасида 1 инсон ҳалок бўлиб, 3 инсон турли даражада тан жароҳатларини олган. Юқорида кўрсатилган ёнгинлар курсаткичи туман ёнгиндан сақлаш хизматидаги ходимлари томонидан амалга оширилган бир қатор чора-тадбирлар оқибатида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,8 фоизга қисқарганлигини кўрсатиб турибди.

### Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан 15 ноябрдан 15 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасида ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида «ЕНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» деб эълон қилинди. Республика шаҳар ва туманлари, аҳоли яшаш пунктлари ва халқ ҳужайми ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгин хавфсизлиги чораларини кучайтириш, аҳоли, ишчи-хизматчилар ва ўқув юртлари ўқувчилари орасида тушунтириш ишларини кенг қўламда олиб бориш, масканларни

бирламчи ўт чириш воситалари билан таъминлаш ва ёнгинга қарши сув таъминоти манбаларини соз ҳолга келтириш, ёнгинлар, уларда инсонларнинг ҳалок бўлишига йўл қўймаслик ойланининг асосий вазифаси этиб белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган ушбу Фармойиш ёнгиндан сақлаш хизмати ходимларининг иши бўлибгина қолмай, балки барча вазирлик, концерн, маҳма ва ташкилотлар, кенг омма, ишчи-хизматчилар ҳамда фуқароларининг учун бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифа бўлиши шарт. Шундангина биз меҳнат эвазига келаятган миллий ва маънавий бойлигимиз, иншоот ва биноларимизни ёнгиндан сақлашга улуғ кўшган бўламиз.

### Гуфуржон МУМИНОВ, Собир Раҳимов тумани Ёнгиндан сақлаш хизматининг бошлиғи, ички хизмат майори.

(Давоми. Боши газетанинг 133,136,139-сонларида).  
Шаҳодани махсус боғга олиб бордилар. Ҳукм бўлдики, қафасга солсинлар — деб. Ҳар кўни шаҳзодага ҳар хил номуносиб дориларни ичирар эрдилар, шоядки ўлса деб. Аммо, шаҳзодани ошқора ўлдиришдан қўрқар эрдилар. Чунки паҳлавонлар ва лашкарлар шаҳзода тарафида эдилар. Ул қафасдаги йигитга сен хат олиб бориб бердинг. Ул хатда қиз ёзиб эрди, «агар сен рози бўлсанг, мен отамни ўлдириб, сени бу банддин халос қилай». Ногоҳ душманлар бу хабарни подшоҳга етқурдилар. Подшоҳ бурқиди ул қосиднинг (элчи) бошини, Кайхусравнинг бошини кесиб, қафас билан бирга менинг ҳузуримга келтирилган деб буюрди. Ушбу ҳукмга мувофиқ сенинг бошини килич урдилар, сен беҳуш бўлиб йикилдинг, сени ўлган гумон қилиб ташлаб кетдилар. Кайхусравнинг бошини кесиб кетдилар.  
Подшоҳ яна вазирни чакриб «Энди қандай тadbир қўлламоқ керак» — деди. Вазир айдики агар подшоҳ ижозат берсалар мен маликанинг олдига бориб, уни ўз қўли билан шаҳзодани ўлдиришга кўчдирай. Зеро, шаҳзодани малика ўз қўли ўлдирса, у ҳолда малика ўз номузини муҳофазаси учун шаҳзодани ўлдирибдур деган гап эр орасида тарқалиб, ҳеч ким сизга айб қўяолмайди ва сир сирлигича қолгай — деди. Бул махсус подшоҳга маъқул бўлди. Вазир қизни ҳузурига борди ва кўп насиҳатлар қилгандан сўнг айдики, нима учун бунчалик номузини ўзинга ва отанга раво кўрурсен, одамлар подшоҳнинг қизи девона шаҳзодага ошқора беқарор бўлиб қолибди деган гапларни айтиб юрурлар. Малика йигитга ошқ эканлигини вазирдан пинҳон тугди. Вазир хурсанд бўлиб қизга дедиди, агар одамлар орасидаги фисқу фасодни йўқотмоқчи истасанг, девона шаҳзодани ўз қўлинг билан ўлдиргин, шунда ўзингни ҳам, отангни ҳам бу исноддан халос қилурсан — деди. Қиз сукутни ихтиёр қилди. Вазир қизнинг сукутини аломати ризо деб билиб, шод бўлди ва подшоҳнинг ҳузурига бориб воқеани баён қилди. Кеч кириб тун бошланди. Вазир келиб қизни боққа олиб борди. Йўл устида сенга дуч келди. Маликанинг назари сенга тушган, бизга буюрдики бу бечорани йўлдан кўтарилинг — деди. Биз сенинг жасадингни қимирлатиб кўрдик, сен нола қилдинг, билдики хали жонинг бор экан, Малика биларга тайинладики, бу савдогарни юз эллик ашрафий билан олиб бориб дарёдин ўтказиб, муслмонларга топширинлар — деб, амр қилди. Алҳол кўрармикин нима буларкан дер эрди. Хожасарой ўтган воқеани шундай таъхир қилди. Энди вазир малика билан тигни қўлига олиб, қафасдаги йигит тарафига равона бўлди. Бу воқеани кўриб мен ҳайла ботдим. Чунки малика бунчалик хатти-ҳаракатлар қилди, андиликда неҳук ўз қўли билан йигитни ўлдирмоққа қасд қиладур. Вақтики мали-

### Донишмандлар хазинасидан

## ИККИНЧИ ДАРВЕШ ҚИССАСИ

ка қафасни яқинига борди, қўлидаги шамширни узоққа отиб юборди. Ушал вақтда ул йигитни қафасдан чиқариб эрдиларки, ул нозанин санам ўзини ул йигитнинг обьига ташлади ва айдики, балогардонинг бўлай. Менинг матлабим шул эрдик, сенинг жамолни шуъласи билан яна бир марта кўзимни равшан қилмоқ эрди, энди ўлсам армоним йўқдур — деди ва беҳуш бўлиб йикилди. Подшоҳ хижолатдин даргазоб бўлиб буюрдики, қизни бир чеккага олинлар — деб. Яна вазирга қараб дедиди, нима қилиб турибсен, хоҳлайдурсанки шаҳзодани қўйиб мени ўлдир-суларму? Дарҳол вазир шаҳзодани ўзи ўлдирмоқ учун тигни қинидан чиқариб, шаҳзода томон юрди. Яқин эрдикки шаҳзодага шамшир урғай, қазоро бир тарафдин бир ўқ келиб вазирнинг сийнасига тегиб, орқасидин тешиб чиқди, вазир ох тортиб жаҳаннамга кетди. Шул вақт ушла-ушла овози баланд бўлдики, подшоҳ ўзидин ваҳм олиб, ўрниндин туриб ўрдага равона бўлди. Чун мен бу ҳолатни кўрдим, беҳуш бўлдим. Вақтики ҳушимга келдим, ўзимни хужрада кўрдим, бир фаранги ҳакимни кўрдимки, менинг бошимда ўлтириб захмин боғлар эрди. Вақтики захмларни сикат тоғди ва ҳамроҳларим менинг ахволимдин хабар тоғиб бу вилоятга олиб келдилар. Бу макон менга хуш келди ва офтобпарастлардин йироқ бўлганимдин тоқатим тоқ бўлиб эрди. Анинг учун сангарошларни ва нақшошларни олиб келиб бу суратни тартиб бердим. Энг ишончли бир қўлим бор эрди. Анга минг туман зар билан бир қатор ҳачир бердим токи тижорат билан шуғуллангай. Мазакур қўл ҳар йилги қилган тижоратидан келган фойданинг бир қисмини менга таслим қиладур. Ушбу маблағ бир йиллик машитим учун ҳамда хотин ва болаларим учун кифоя қиладур. Уша кундин бери ул машаъқанинг тимсоли билан ишқибозлик қилурман — деб, ул марди пир зор-зор чун абри навбахор кўз ёшин тўкиб йилгади.

Алқисса, эй дарвешлар бу каминга чун сифай ҳусну жамол ва хулки камоли ул нозанин санамни ул марди пирдин эшитдим, ул замон ул нозанин санамнинг волайи шайдоси бўлдим ва ул марди пирнинг қўлини ўпиб, ул нозанин санамнинг ахволини сўрадим. Ул марди пир айдики, бундан икки йил илгари бир гуломнинг (хизматкор) гузари Фаранг шаҳрига тушган экан. Ул гулом менга нақл қилдики, маликанинг отаси ул йигитни қизни маъшуқи эрди ўлдирди. Шаҳарнинг бир чеккасида бир боғи бор эрди ул маликани ул боғга олиб бориб қўйгондур. Алҳол малика ул боғда ўлтирдур. Ҳеч кимни унинг олдида киритмайдилар, бундан бошқа хабарин йўқ деди. Эй дарвешлар, мен уна айдики эй мард дуо қилгил мен ани қидириб топамен дегим. Мен чандон йилгадимки, ул марди пирнинг юраги эзилди, менинг ҳолимга ачинди. Кўп насиҳатлар қилиб, йўл нишонасини берди ва сулуқ ва тариқи ишдан таълим берди. Мени ҳақимга дуо қилди ва либосларини ўзгартириб, бир мушт тилло берди. Мен боғдан пастга тушдим ва ул марди пир билан видолашиб, дашт-биёбонга қадам қўйдим. Ҳар ахвойиб ва фаройибларни кўрдим ҳам қўп захматлар чекиб, ҳар дам оҳ-нолараним фалак авжига етар эди.

Алқисса, эй дарвешлар баҳар наву ўзимни Фаранг шаҳрига етқурдим. Ахволим шу даражага етган эрдик, сочим белимга тушган эди, этим устухонга ёпишган эрди. Фаранг шаҳрида неча кун саргардон бўлиб, ҳеч қандай нишонга ёки жон ором топгудек бир хабар эшитмадим. Ҳар қимдан бир васила билан суриштирсам-да, ҳеч бир қимсадан оромбахш бир жавоб эшитмадим. Ахвол шу даражага етдики, тирикликдан тўйиб, ҳаётдан қўнгим со-види. Ниҳоят, бир кеча сахар хангомиде, дуолар муста-жоб буладирган вақтда, юзаним маълалат тупроғига қўйиб, то субҳи дамгача муножот бадароҳи қўйиб ҳожот қилур эрдим, андоқки офтоб чикиб жаҳонни равшан қилди. Мен ташқари чикиб шаҳарнинг бир чеккасидан бориб бозорга кирдим, Чорсуга етдим. Ногоҳ бир тарафдиндин баланд овозда наъра эшитилди. Уша томонга назар солиб бир йигитни кўрдим, шер суратли, қўлон шижоатли эрди, комати исилги сарв-сановардек, қўзлари чун тобусдек, чун мажнунавор, эғидо қўлон терисидан либос кийган, заррин камар боғлаб, бошига олтин занжир ўраган, белига олмос тигни солган эди. Йигит шаддам қадам ташлаб, икки қўлида икки қилчичи ўйнайиб келарди. Унинг орқасидан офтоб талат, қамар сурат чун ўн тўрт қулғин ойдек, қимматбахо кийимлар кийган икки гулом бир тобутни кўра-тиб келардилар. Улар Чорсу ўртасига етиб, тобутни ярга қўйдилар. Ул йигит тобут ёнида туриб йиллар эрди ва ҳалқ том-деворларга чикиб томоша қилардилар. Ул шер сифат йигит бир наърайи жонсўз тортиб икки байт ўқиди. Халқ беҳуш бўлдилар. Мардум ўзига келгач, ул шер сурат йигит чандон йилгадики, мардум ботокат бўлдилар. Сунгра тобутнинг атрофидан айланиб ўтиб кета бошладилар. Ул шер савлат йигит яна тобутни гуломларига кўтартириб, келган томонига равона бўлди. Ул шер савлат йигитнинг васлини кўрганидан ва унинг оху фиғонидан яқин эрдикки ўз ҳаётимдан воз кечсам. Яна ўз-ўзимга айдики, эй дил бузруқлар дебдурларки, ҳар вақт кишига бир мушқуллик вужудга келса, бир қомил киши билан машварат қилсун ва андин мувожиза талаб қилсун!

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган. (Давоми бор).

